


Аброр бандалар



11:30 / 23.02.2019 5811

Қаршимизда баҳор таровати ўзини намойиш қилгани шай турибди. Қишнинг совуқ кунлари, узун тунлари ортимиздадир энди. “Қиш – мўминнинг баҳори” рукнида бериб борилаётган мақолалар ҳам охирлаб қолди. Асосан турли нафл ибодатларга бағишланган туркум мавзудаги мақолаларнинг сўнгисини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Уни “Аброр бандалар” деб номладик. Шояд, нафл ибодатлар сабаб биз ҳам аброр бандалар қаторида турсак...

Оли Имрон сурасида Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

“...Роббларига тақво қилганлар учун остларидан анҳорлар оқиб турган жаннатлар бўлиб, уларда мангу қолурлар. Бу Аллоҳ ҳузуридан зиёфатдир. Аллоҳ ҳузуридаги нарса аброрлар учун яхшидир” (198-оят).

Кофирларга озгина матоҳ – бу дунёнинг вақтинчалик ҳаёти, мўминларга эса шунча нарса – жаннатлар, абадий ҳаёт, Аллоҳнинг ҳузуридан зиёфат. Фақат мўминлар бу нарсаларга сазовор бўлиш учун яхши амалларда бардавом бўлсалар бўлди.

Инсон сурасининг 5-оятда:

“Албатта, аброрлар кофур аралаштирилган қадаҳдан ичарлар...”, дейилган.

Кофур – ичимликни хушбўй ва хуштаъм қилувчи модда бўлиб, араблар у аралашган шаробни энг яхши шароб ҳисоблашади. Тафсирчиларимиз, оятдаги «кофур»дан мурод жаннатдаги булоқнинг исми, деганлар.

“Албатта, аброрлар неъматланишдадирлар” (Инфитор сураси, 13-оят).

Чунки уларнинг номаи аъмолларидан бу дунёда қилган яхшиликлари: иймон-эътиқодлари, ибодатлари, солиҳ амаллари, чиройли, гўзал хулқлари, қилган хайр-эҳсонлари ва бошқа савоб ишлари ҳақида муфассал маълумотлар чиқади. Ана ўша яхшиликлари учун Робблари – Қиёмат кунининг эгаси – Аллоҳ таоло уларни жаннатга киритиш ила мукофотлайди.

Энди Мутоффифин сурасининг 18 –22-оятларига диққат қилайлик:

Йўқ!!! Албатта, аброрларнинг китоби «Иллийийн»дадир.

Йўқ! Қиёматни ёлғонга чиқарувчилар бўлмағур гапни айтадилар. Қиёмат албатта қоим бўлади. У кунда, аввал айтиб ўтилганидек, фожирлар азобларга дучор бўладилар. Аброрларнинг китоблари эса «иллийийн»да бўлади.

«Иллийийн» не эканини сенга нима билдирди?!

Яъни «Сен «Иллийийн» нима эканини қаердан ҳам билар эдинг, унинг моҳияти шундай каттаки, сен уни идрок эта олмайсан. Билиб қўй!

У ёзилган китобдир.

«Иллийийн» луғатда «улув» – «олийлик» сўзидан олинган бўлиб, «энг олийлик» деган маънони билдиради. Ушбу оятнинг таърифидан эса у аброр одамнинг бу дунёда қилган каттаю кичик амаллари ёзиб юрилган «номаи аъмол» китоби эканини билиб оламиз.

«Иллийийн» жаннатнинг энг олий, юқори даражасидир. Демак, аброр – яхши бандаларнинг амаллари ёзилган китоблари ўзлари абадий қоладиган жойда – жаннатда туради. Уларнинг яхшилик аломати эканига яна бир белги бу!

Унга муқарраб(фаришта)лар шоҳид бўлурлар.

Ҳа, Аллоҳ таоло тақводор мўмин бандаларнинг номаи аъмол китобларини олиймақом жойга қўйиш билан кифояланиб қолмасдан, У Зотга муқарраб фаришталар унга гувоҳ ҳам бўладилар. Номаи аъмол китоблари ана шундай эҳтиромга сазовор бўлганидан кейин...

Албатта, аброрлар неъматланишдадирлар.

Яъни кўзинг уларга тушиши билан, чеҳраларидан фаровонликда юрганлари кўриниб туради. Чунки қиёмат кунининг шиддатли даҳшатларидан ўтиб, фожирларнинг номаи аъмол китоби ҳам, ўзи ҳам «сижжийн» – дўзахнинг энг тор жойи, энг қаърида эканини кўриб туриб, ўзининг номаи аъмол китобини ҳам, ўзини ҳам жаннатнинг энг олий мақомида кўриш саодати уларнинг юзида балқиб турмай, кимнинг юзида балқисин?! Жаннатда қўйилган атрофи гўзал пардалар билан ўралган баланд сўриларда ястанган ҳолда ўзи учун Аллоҳ таоло томонидан берилган сон-саноксиз, битмас-туганмас, васфига ҳар қандай сўз ожиз бўлган нозу неъматларга мамнуният ила назар солиб турган тақводор мўминнинг чеҳрасидан фаровонлик, бахт-саодат аломати балқимай, кимнинг чеҳрасидан балқисин?! Ҳа, жаннатдаги бандаларнинг битмас-туганмас бахт-саодатда эканликларини ҳар қандай шахс бир кўришдаёқ билиб олади, уларнинг ҳолини биров тушунтиришига ёки ўзлари айтиб беришларига ҳожат ҳам йўқ. Аммо бу дунёда иймон-эътиқод, тақво ва ибодат ила ўтган бандаларнинг жаннатдаги роҳат-фароғатлари бу билан тугаб қолмайди... Биз билмаган яна қанча неъматлар ҳам аброрлар учун муҳайё қилинган.

Аллоҳ таоло ибодатларимизни Ўзи қабул қилсин. Хато-нуқсонларини афв айласин. Аброр бандалардан бўлишимизни насиб этсин.

“Тафсири ҳилол” китобидан